

## ШАРТНОМА № 28082022

### «Маиший техникаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар (№ лота 22110012139235)

Тошкент шаҳри

31 август 2022 йил

«Аббос Шаҳбозхужа» МЧЖ, директори Турсунов Р.А номидан, устав асосида иш юритувчи, бундан кейин «Бажарувчи» деб юритилади, бир томондан, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими, раҳбари К.О.Хайдаров, бундан кейин «Буюртмачи», иккинчи томондан, бундан кейин «Томонлар» деб юритилади, қуйидаги шартномани туздилар:

#### 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

- 1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачига» 1.2-бандга мувофиқ кўрсатиб утилган хизмат турларини бажаради, ва «Буюртмачи» ушбу хизматларни пул ўтқазиш йули билан қабул қилади.
- 1.2. «Бажарувчи» таъмирлаш ишларини бажаради (кейинги ўринларда – «Хизматлар»), оргтехникаларни таъмирлаш ва картриджларни заправка қилиш.
- 1.3. Ушбу шартнома суммаси ҚҚС сиз 51 910 000 (эллик бир миллион тўққиз юз ўн минг) сўм, 00 тийин.

#### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 2.1. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:
  - 2.1.1. 1.2-бандда кўрсатилган хизматларни кўрсатишда мутахассислар сонини ва уларнинг иш жадвалини мустақил равишда белгилаш;
  - 2.1.2. ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахсларни жалб қилиш. Шу билан бирга, «Бажарувчи» «Буюртмачи» олдида учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.
- 2.2. «Бажарувчи» ўз зиммасига олади:
  - 2.2.1. аванс тулови олинган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кун ичида ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатишни бошлаш;
  - 2.2.2. тўлиқ ҳажмда ва ушбу шартномада назарда тутилган муддатларда хизматлар кўрсатиш;
  - 2.2.3. бажарилган ишларни (кўрсатилган хизматларни) қабул қилиш далолатномасини имзолашдан олдин, «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган хизматлар сифатига даъво қилинган тақдирда, камчиликларни имкон қадар тезроқ бартараф этиш;
  - 2.2.4. Ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган, урнатилган Ускунани ишлаб чиқарувчининг меъёрлари ва техник талабларига мувофиқ, техник ишларни (хизматларни кўрсатиш) батафсил бажарилишини белгилайдиган техник регламентларга мувофиқ ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) мажбуриятини олади.
- 2.3. «Буюртмачи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:
  - 2.3.1. хизматлар кўрсатишнинг барча босқичларида уларнинг бажарилишининг бориши ва сифатини назорат қилиш.
- 2.4. «Буюртмачи» қуйидагиларни ўз зиммасига олади:
  - 2.4.1. ташхис қўйилган ускунани яхши ҳолатда ва хизматларни ўз вақтида кўрсатиш учун белгиланган муддатларда таъминлаш;
  - 2.4.2. «Бажарувчининг» техник талабларига мувофиқ жойни, ташхис қўйилган объектни тайёрлаш;
  - 2.4.3. «Бажарувчига» хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этиш;
  - 2.4.4. кўрсатилган хизматларни қабул қилиш ва бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун қабул қилиш далолатномасини имзолаш ёки «Бажарувчи» хизматлар кўрсатиш ва хизматлар кўрсатиш тугаганлиги тўғрисида ёзма хабарнома олган кундан бошлаб 3 (уч) календар кундан кечиктирмай ёзма равишда ускунанинг ишлашга тайёрлигини даъво тақдим этиши. Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун қабул қилиш далолатномаси берилган кундан бошлаб 3 (уч) календар кун ичида имзоланмаган ва даъво аризалари тақдим етилмаган тақдирда, ушбу гувоҳнома иккала Томон томонидан имзоланган ва иш (хизматлар) томонидан имзоланган кейин, тугалланган деб ҳисобланади.
  - 2.4.5. ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва тартибда туловларни амалга ошириш.

#### 3. ТҮЛОВ ТАРТИБИ

- 3.1. «Буюртмачи» ушбу шартнома имзолангандан кейин 5 (беш) кун ичида 30% миқдорида дастлабки туловни амалга оширади. Қолган 70% «Буюртмачи» томонидан бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин 10 (ўн) кун ичида «Бажарувчига» туланади.
- 3.2. Томонлар амалда бажарилган Хизматлар учун узаро ҳисоб-китоблар шартларини қўллашга ҳақли.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

- 4.1. Хизматларни кўрсатиш тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, «Буюртмачи» «Бажарувчидан» пеня тулашни талаб қилишга ҳақли, лекин жариманинг умумий миқдори ушбу шартноманинг умумий суммасининг 10 (ўн) фоизидан ошмаслиги керак.



4.2. Курсатилган хизматлар учун тулов шартлари бузилган тақдирда, «Бажарувчи» «Буюртмачидан» кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тулов суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, лекин 50 фоизи куп бўлмаган миқдорда жарима тулашни талаб қилишга ҳақли.

4.3. Пеня тулаш томонларни ушбу шартнома бўйича ўз ҳаракатларидан озод қилмайди.

4.4. Томонлар форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан тўлиқ ёки қисман озод қилинади. Форс-мажор ҳолатларига табиий офатлар (зилзила, кучки, довул, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш, блокада, давлат манфаатларини кўзлаб импорт/экспортни тақиқлаш ва ҳоказо) томонларнинг иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар қиради.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида юзага келадиган барча низоларни томонлар музокаралар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Музокаралар йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, тарафлар ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар ҳўжалик суди томонидан куриб чиқилади.

## 6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Ушбу шартнома шартларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма равишда белгиланиши ва иккала томон томонидан имзоланиши керак.

6.2. Ушбу шартнома томонларнинг келишувига биноан ёки томонлардан бирининг келишуви бўйича, иккинчи томон шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

6.3. Томонлардан бирининг реквизитлари ўзгарган тақдирда, у, бу ҳақда бошқа томонни 3 (уч) банк кўни ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

6.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган, томонларнинг ҳар бири учун биттадан.

6.5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022-йил 31-декабргача амал қилади.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек узларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан,



ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан куйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча туловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тулик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

### "БАЖАРУВЧИ"

**"Аббос Шаҳбозхужа" МЧЖ**  
Оккургон тумани Р.Муминова кучаси 10-уй.  
Банк реквизитлари:  
ТОШКЕНТ вил., ХАЛК БАНКИ, Оккургон филиали  
х/р: 20208000200941233001  
МФО: 00779, ИНН: 305 844 583  
ОКЭД: 9511  
Тел: +998 90 359 6961

Директор  Турсунов Р.А.

М.Ў.




### "БУЮРТМАЧИ"

Территориальный отдел департамента г.Ташкента по обеспечению деятельности судов при Верховном суде Республики Узбекистан
г.Ташкент, Ямқасарайский р-н, ул.Иккунда Рустовича, 42
п/с 1000026076187703343701002
ИНН: 207 251 889 ОКЭД: 84 112 ОКПО: 27126574
Казначейство Министерства Финансов
п/с 2340 2000 3001 0000 1010
РКЦ Т.л.гор. упр. ЦБ Респ. Узб. г.Ташкента
ИНН: 201 122 919 МФО: 00014

Директор  К.О.Хайдаров

М.Ў.



 Ю.Н.Бурдаков

Тошкент вилояти  
Оккургон тумани  
“Аббос Шахбозхўжа”  
МЧЖ



Toshkent viloyati  
Oqqo'rg'on tumani  
“Abbos Shahbozxo'ja”  
MCHJ

“Аббос Шахбозхўжа” МЧЖ. Манзил: Оккургон тумани Р.Муминова кучаси 10-уй.  
ИНН:305844583.Х/Р 20208000200941233001 .МФО:00779. Тел:(90) 359 69 61

### ТИЖОРАТ ТАКЛИФ

#### Установка и заправка картриджей для Canon/Epson/Samsun/Kyocera

Наименование услуг	Ед.изм	кол-во	Цена	Сумма
Заправка картриджей 057/226/725/737/703/104/101	услуга	1 200	23 000	27 600 000
Заправка картриджей 051/047	услуга	200	26 000	5 200 000

#### Установка и замена фотоцилиндра (барабан) в картридж

Наименование услуг	Ед.изм	кол-во	Цена	Сумма
Замена фотоцилиндра	услуга	200	23 000	4 600 000
Замена фотоцилиндра 047/051	услуга	10	33 000	330 000

#### Установка и замена вала заряда в картридж

Наименование услуг	Ед.изм	кол-во	Цена	Сумма
Замена вала заряда	услуга	130	24 500	3 185 000

#### Установка и замена магнитного вала в картридж

Наименование услуг	Ед.изм	кол-во	Цена	Сумма
Замена магнитного вала	услуга	50	24 500	1 225 000
Замена магнитного вала 047/051	услуга	20	37 000	740 000

#### Установка и замена ракеля/доз.лезвия в картридж

Наименование услуг	Ед.изм	кол-во	Цена	Сумма
Замена ракеля/Доз. Лезвия	услуга	30	18 000	540 000

#### Установка и замена Спайсер/пружина в картридж

Наименование услуг	Ед.изм	кол-во	Цена	Сумма
Замена спайсер/пружина	услуга	30	7 000	210 000

#### Профилактика картридж и чистка принтера

Наименование услуг	Ед.изм	кол-во	Цена	Сумма
Профилактика картридж	услуга	40	12 000	480 000
Профилактика и чистка принтера	услуга	15	40 000	600 000

#### Новый картридж

Наименование услуг	Ед.изм	кол-во	Цена	Сумма
Картридж Canon 725/728/712	шт	10	145 000	1 450 000
Картридж для Epson E-8651X	шт	5	455 000	2 275 000
Картридж тонер часть 051/047	шт	10	235 000	2 350 000
картридж драм часть 051/047	шт	5	225 000	1 125 000

<b>Итого</b>	<b>51 910 000</b>
--------------	-------------------

“Аббос Шахбозхўжа” МЧЖ  
рахбари

Турсунов Р.А



Тошкент вилояти  
Оккургон тумани  
“Аббос Шахбозхўжа”  
МЧЖ



Toshkent viloyati  
Oqqo'rg'on tumani  
“Abbos Shahbozxo'ja”  
MCHJ

“Аббос Шахбозхўжа” МЧЖ. Манзил: Оккургон тумани Р. Муминова кучаси 10-уй.  
ИНН: 305844583. Х/Р 20208000200941233001. МФО: 00779. Тел: (90) 359 69 61

№  
от «29» август 2022г


### Дефектный акт №1

В результате осмотра Принтеров были выявлены нижеперечисленные дефекты, требующие ремонта или замены:

№	Наименование услуг	Ед.изм	кол-во
1	Заправка картриджей 057/226/725/737/703/104/101	услуга	1 200
2	Заправка картриджей 051/047	услуга	200
3	Замена фотоцилиндр	услуга	200
4	Замена фотоцилиндр 047/051	услуга	10
5	Замена вал заряда	услуга	130
6	Замена магнитного вала	услуга	50
7	Замена магнитного вала 047/051	услуга	20
8	Замена ракеля/Доз. Лезвия	услуга	30
9	Замена спайсер/пружина	услуга	30
10	Профилактика картридж	услуга	40
11	Профилактика и чистка принтера	услуга	15
12	Картридж Canon 725/728/712	шт	10
13	Картридж для Epson E-8651X	шт	5
14	Картридж тонер часть 051/047	шт	10
15	картридж драм часть 051/047	шт	5

“Аббос Шахбозхўжа” МЧЖ

Директор: \_\_\_\_\_ Турсунов Р.А



Заказчик \_\_\_\_\_

Руководитель: \_\_\_\_\_ К.О.Хайдаров



## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Судлар фаолиятини таъминлаш  
департаменти Тошкент шаҳар  
худудий бўлими бошлиғи,  
комиссия раиси



К.О.Хайдаров

Тошкент шаҳрида жойлашган умумюрисдикция ва туман судларидаги оргтехника жихозларини ремонт ва картриджларни заправка қилиш ишларини бажариш бўйича эркин танлов савдосини ўтказиш комиссиясининг

### МАЖЛИС БАЁННОМАСИ №4

“30” август 2022 йил

Тошкент шаҳри

Бошланди: соат 10-10 да

Туғалланди: соат 10-45 да

Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бўлимининг эркин танлов савдосини ўтказиш комиссиясини аъзолари қуйидаги таркибда қатнашдилар:

#### Комиссия раиси:

**К.О.Хайдаров** - Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бўлими бошлиғи

#### Комиссия аъзолари:

**М.К.Хидиров** - Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бўлими бош ҳисобчиси

**А.С.Эшмуродов** - Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бўлими бош мутахассиси

**О.О.Қурбонов** - Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бўлими бош муҳандиси

**А.А.Хўжаев** - Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бўлими бош муҳандиси

#### Комиссия котиби:

**А.Р.Орипов** - Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бўлими раҳбар котиби

### КУН ТАРТИБИ

Тошкент шаҳрида жойлашган умумюрисдикция ва туман судларидаги оргтехника жихозларини ремонт ва картриджларни заправка қилиш ишларини бажариш бўйича эркин танлов савдоси ҳолибини аниқлаш.

Кун тартибидаги масала юзасидан худудий бўлим бош мутахассиси А.С.Эшмуродов сўзга чиқиб, ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг



**“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни** асосан камида 10 кун олдин эълон бериш кўрсатилганлигини айтиб ўтди.

Шунга асосан 18.08.2022 йил куни 22110012139235-сонли лот рақами билан хизматларни бошланғич нархи 57 160 000 сўмлик эълон берилган бўлиб, ташкилот ва хусусий корхоналардан ушбу хизматларни бажариш бўйича тижорат таклифлари келиб тушди.

Танлов савдосини ўтказишда ташкилотларнинг тижорат таклифлари ўрганиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди:

№	Хизмат кўрсатувчи (иш бажарувчи) нинг номи	Хизмат кўрсатиш тури	Хизмат кўрсатиш нархи (сўм)
1	ООО АBBOS SHANBOZHO'JA	Заправка картриджей, Замена фотоцилиндр, Замена вал заряда, Замена магнитного вала, Замена ракеля/Доз. Лезвия, Замена спайсер/пружина, Профилактика картридж, Профилактика и чистка принтера	51 910 000
2	ТА MINOT777 ХК		54 760 000

Танлов комиссияси аъзолари ва **“Давлат харидлари эксперти”** томонидан ташкилотларнинг тижорат таклифлари ҳамда хизмат кўрсатиш нархлари ўрганиб чиқилиб тегишли тартибда баҳоланди.

Ягона давлат харидлари электрон портали орқали 25.08.2022 йилда электрон баённомага асосан ғолиб номи аниқланди.

Электрон баённома шаклланган кундан икки иш кунига қадар танловда ғолиб бўла олмаган бошқа ташкилотлар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.


Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда эркин танлов савдосини ўтказиш комиссияси

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**


- 7 Тошкент шаҳрида жойлашган умумюрисдикция ва туман судларидаги оргтехника жихозларини ремонт ва картриджларни занравка қилиш ишларини бажариш бўйича танлов комиссияси аъзолари ва **“Давлат харидлари эксперти”** томонидан қўйилган балларга асосан **ООО АBBOS SHANBOZHO'JA** ғолиб деб топилсин.
- 8 Шартнома (контракт) тузиш ишларини ташкиллаштириш ва бажарилган ишларни далолатнома асосида қабул қилиш ҳудудий бўлим бош мутахассиси А.С.Эшмуродов зиммасига, шартноманинг қонунийлигини ўрганиш, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бош ҳисобчиси М.К.Хидиров зиммасига юклатилсин.

9 Эркин танлов савдосини ўтказиш комиссияси раиси танлов баённомасини иштирокчиларга ўқиб эшиттирди ва унинг тузилиши тўғри деб топилиб эътирозлар бўлмади.

**Комиссия аъзолари**



**М.К.Хидиров**



**А.С.Эшмуродов**



**А.А.Хужаев**



**О.О.Курбонов**